

Биз бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлашсак – Ватанмиз!

Gazeta 1917-yil 14-oktabrdan chiqra boshlagan 2023-yil 14-sentabr, payshanba

№ 37 (24738)



# Farqona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta



<http://farhaqiqat.uz/>



[t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

"Зарафшон" газетаси 110 ёшда

## ЎЗБЕК МАТБУОТИДА 3 СЎЗИГА ЭГА НАШР

Zarafshon

4-5



## АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГНИНГ ХАТОСИ

туфайли бемор ўлимига бир баҳя қолди

Фотимахон ва Одилжон фарзанд кутишар эди. Аммо табиий туғруқ рўй бермади. Фарғона шаҳар туғруқхонасида шу куни акушер-гинеколог Малика Азизова навбатчи эди. Кесарево усули қўлланди ва фарзанд дунёга келди. Энди очилган қорин бўшлиғини яна қайта тикиш лозим. Одатда шифокор, бу ҳолатда акушер-гинеколог Малика Азизовадан дастлаб қорин бўшлиғини диққат билан кўздан кечириш талаб қилинади. Аммо... улар кесарево қилиб кесилган жойни тикиб қўя қолишди. Қизиғи шундаки, жарроҳлик амалиётидан сўнг "ажратилган ва ишлатилган буюмлар саноғи" тўғри эди. Яъни ҳеч нарса йўқолмаган, камомад ҳам йўқ.

Давоми 7-бетда



## ҲОЗИРЧА ГУМОН

АММО  
У

ҲАКИҚАТ  
БЎЛСА-ЧИ?

3



"ЛЕНИН" КИМГА  
ХУШОМАД ҚИЛГАН?

8

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ- ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ



**Вилоятимизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, чет эл инвестициясини фаол жалб этиш ҳисобига иқтисодиётимиз жадал суръатларда ривожланиб бормоқда.**

Бунинг натижасида аҳоли турмуш даражаси фаровонлашиб, шаҳар ва туманларимиз, қишлоқ ва маҳаллаларимиз кун сайин обод масканларга айланмоқда. Кўплаб замонавий турар жойлар, мактаб, боғча, шифохона ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда, инфратузилма яхшиланиб, хизмат кўрсатиш қўлами ва сифати ортмоқда.

Айниқса, вилоятда sanoat ишлаб чиқаришининг ўсиши, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши кузатилмоқда. Рақамларга эътибор қаратсак, **2023 йилнинг январь-июль ойлари давомида 17 157,2 миллиард сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.** Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,8 фоизни ташкил этди.



Sanoat ишлаб чиқариш ҳажми Марғилон шаҳрида 110,2 фоиз, Бувайда туманида 114,8 фоиз, Учкўприк туманида 112,1 фоиз, Қўштепа туманида 108,7 фоиз ўсиш суръатлари таъминланди.

лари ишлаб чиқарилди ва **104 фоиз ўсишга эришилди.** Бошқача айтганда, **жон бошига 1 019,5 минг сўмлик ана шундай маҳсулотлар тайёрланди.**

Аҳолига хизмат кўрсатиш салмоқ ва сифат жиҳатидан кенгайиб бораётганини вилоятимизда етти ойда **14 499,3 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилиб, барча**

шаҳар ва туманларимизда ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда, **106-109 фоизга ўсганлиги билан кўришимиз мумкин.**

Айниқса, вилоят бўйича **алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 120,7 фоизга, таълим хизматлари 132,1 фоизга, савдо хизматлари 107,8 фоизга, соғлиқни сақлаш хизматлари 107,3 фоизга ўсди.**

Албатта, бу рақамлар ортида вилоятимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз натижасини кўрсатмоқда.

ган кенг қўламли бунёдкорлик, ижтимоий ва инфратузилма объектларини яхшилаш ишлари натижасида **қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 118,8 фоизга ошиб, 5466,2 млрд. сўмни ташкил этди.**

Олтиариқ туманида 83,0, Қўштепа туманида 44,5, Учкўприк туманида 40,7 миллион АҚШ долларилек маҳсулот четга экспорт қилингани ҳолда, Бувайда туманида 9,7, Риштон туманида 7,6, Сўх туманида 3,4, Фурқат туманида 3,7, Марғилон шаҳрида 6,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот четга сотилди.

Вилоят иқтисодиётини янада ривожлантиришга эришиш учун мавжуд барча имкониятлардан самарали фойдалансак, йилни ҳар бир соҳада муваффақиятли яқунлаймиз.

**Абдурасул РЎЗИЕВ, вилоят иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.**

**Вилоятда етти ойда**

**411,7 миллион АҚШ доллари**

**миқдорида экспорт амалга оширилди.**

Хусусан, вилоятимизда ўтган саккиз ойда 2099 та янги хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилди, умумий қиймати 1541 млрд. сўмлик 2475 та лойиҳалар ишга туширилди.

Вилоятимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаёт-

**Бу жон бошига ҳисоблаганда**

**4 294,1 минг сўмданга тўғри келиб,**

**101,7 фоиз ўсишга эришилди.**

Вилоятда етти ойда **4 073,3 миллиард сўмлик халқ истеъмоли мол-**

## ЯНА БИР ҲУҚУҚИЙ АСОС

**хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади**

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларни тубдан такомиллаштиришга, болалар орасида назоратсизликнинг ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга, шунингдек, ногиронлиги бўлган ҳамда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Амалий тадбирларнинг мантикий давоми сифатида 2023 йил 11 апрель кунини Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси қонунларида хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳада ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга оширишида қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солувчи қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни назарда тутувчи, шунингдек, болалар масалалари бўйича комис-

сиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўйувчи ўзгартишлар киритилди.

**Қонун хотин-қизлар ва болаларга нисбатан шилқимлик ҳамда зўравонликнинг олдини олишга, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашга, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга хизмат қилади, шунингдек, Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) комиссиялари фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратишга хизмат қилади.**

**Иброҳимжон ТУРСУНОВ, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси.**

Журналист суриштируви

Кўза кунда синади-да. Бўлмаса, Олти-ариқ тумани ҳудудидаги автомобилларга газ қуйиш шохобчаси "2022 йил 16 августдан то 2023 йил 4 сентябргача магистраль газ қувуридан ноқонуний равишда газ олиб келган", деб гумон қилинармиди! Ҳа, бу гумон. Аммо, у ҳақиқат бўлса-чи?

**К**елинг, бир бошдан ва қонунда белгиланган ваколатимиз доирасида ахборот берайлик.

Бугун Фарғона вилоятида **421046 та** транспорт воситаси рўйхатда туради. Унинг **359685 таси** энгил автомобиль. **97 фоизи** асосан газ билан ҳаракат қилмоқда.

Газ қуйиш шохобчалари гоҳ тирбанд, гоҳ холи. Нархлар ҳам ошиб бораётгани рост. 3200 сўмга етганига ҳам анча бўлди. Буни қарангки, газ тўлдириш масканларидан бири "Ўзэнергоинспекция" назоратчилари эътиборини тортди. Марказий қувурдан олинаётган газ ҳажми билан



Агар бу гумон тасдиқланадиган бўлса, унинг эгалари 5 ярим миллиард сўмдан ортиқ жарима тўлашлари керак.

Биз "Афсона-46" газ тўлдириш шохобчасида бўлганимизда, у узлуксиз ишлаётган эди. Унинг ходимлари айтишича, газ ҳисоблагичдаги кириш-чиқиш муруввати текширувдан сўнг алмаштирилган эмиш.

Биз "Афсона-46" автомобилларга газ тўлдириш шохобчаси раҳбари Камолитдин Мелиқўзиев билан у иш жойида эмаслиги учун телефон орқали мулоқот қилдик ва "Ўзэнергоинспекция" назоратчилари ҳисоб-китоб қилган миқдордаги газдан ноқонуний равишда фойдаланиш ҳақида муносабат билдиришини сўрадик. Камолитдин Мелиқўзиев эса айна чоғда шифохонада эканлигини айтиб, жавоб беришдан бош тортди.

Шохобча операторларига юзландик ва назоратчилар гумони ҳақида сўрадик. Чунки, агар ортиқча газ олинган бўлса, уни операторлардан бошқа ходим сота олмайди.

– Бу ишлардан хабарим бўлмаган. Ўзим Наманган шаҳриданман. Бу ерга келганимга 3 йил бўлди, – дейди оператор Муродхон Боймирзаев.

**"Ўзэнергоинспекция" матбуот хизмати берган маълумотга кўра, ноқонуний олинган деб гумон қилинаётган 5,5 миллион метр-куб ҳажмдаги табиий газ 27 700 хонадоннинг бир ойлик истеъмолига тенг экан.**

Шундай қилиб, "Ўзэнергоинспекция" ва прокуратура ҳузуридаги департамент аниқлаган ҳолат уларнинг айтишича, терговолди суриштирувида.

Бугун Фарғона вилоятида 175 та автомобилларни газ билан тўлдириш шохобчалари бор. Агар "Афсона-46" газ қуйиш шохобчасидаги гумон тасдиғини топса, хўш, қолган газ қуйиш шохобчаларида аҳвол қандай экан?

Муҳаммаджон ОБИДОВ.

Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.



дида кириш-чиқиш жўмрагига махсус мослама ўрнатилган"и аниқланган.

– Биз ушбу қонунбузилиш ҳолати бўйича "Худудгаз таъминот" вакиллари билан биргаликда қувурдан ўтган газ миқдорини ўрганганимиздан сўнг, унда 5 миллион 542 минг метр-куб газ қайта ҳисоб қилинди. Улгуржи истеъмолчиларга 1 метр-куб газ 1000 сўмдан берилгани учун 5 миллиард 542 миллион 56 минг сўмлик газ ҳақи тўлаш юклатилди, – дейди Илҳомжон Абдулатипов.

**Мутахассисларнинг ўрганиши натижасига кўра, ҳисоб рақами Наманганда бўлган "Афсона-46" автомобилларни газ билан тўлдириш шохобчаси катта тармоқ, яъни**

дан ҳаммаси рисоладагидек эди.

– Газ ҳисоблагичнинг ташқи

худудгаз метролог томонидан қўйилади.

Шундай қилиб, масъуллар

унинг кириш ҳисоботлари мос келмагандек эди.

– У Наманган вилоятининг "Наманган истиқлол боғи" МЧЖга қарашли "Афсона-46" автомобилларга газ қуйиш шохобчаси экани маълум бўлди. Бу ерда ўтказилган тадбирда газ ҳисоблагичлар текширилганда, электрон импульс трубклар ичида тўсиқлар қўйилган эди, – дейди "Ўзэнергоинспекция" Фарғона вилоят бошқармаси бош мутахассиси Илҳомжон Абдулатипов. – Тошкентдаги махсус лабораторияларда текширувдан ўтказилганда, давлат стандартларидаги **6 миллиметр** ўрнига, **2-3 миллиметрли** тўсиқлар билан алмаштирилгани аниқланди.

**Оддий мижозга ҳам маълумки, газ ҳисоблагичлар текширувдан сўнг созлогини тасдиқловчи муҳр, яъни пломба қўйилади. Бу ерда ҳам ташқи кўриниш-**



таъсирлари текширилганида, пломбалари, яъни махсус муҳрлари бузилмагани маълум бўлди, – дейди Илҳомжон Абдулатипов. – Бу муҳрлар

томонидан муҳрланган газ ҳисоблагич бўйича назоратчилар тузган далолатномада таъкидланишича, "босимлар фарқини ўзгартириш мақса-

**"магистраль қувурлардан 5 ярим миллион метр-куб газни яширинча олган", деб гумон қилинмоқда.**

# ЎЗБЕК МАТБУОТИДА 3 СЎЗИГА ЭГА НАШР

## “Зарафшон”

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг нашри – “Зарафшон” газетаси чиқа бошлаганига 110 йил тўлди. У илк бор 1913 йилнинг апрель ойида Самарқандда маҳаллий туркий-форсий ўрта шевада Маҳмудхўжа Бехбудий масъул муҳаррирлиги остида “Самарқанд” номи билан нашр этилган. Газета ҳафтада икки марта, дастлаб икки, 7-8-сонидан кейин тўрт саҳифада босилган бўлиб, адади 400-500 нусхада эди. Таҳририят ўтган бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида мураккаб ҳамда шонли йўлни босиб ўтди ва ҳамон газетхонларга зиё, маънавий-маърифий озуқа тарқатмоқда.

Журналист ва маърифатчилар Саидризо Ализода, Абдурауф Фитрат, Ўринбой ўғли, Ақобир Шомансуров масъул муҳаррирлигини бажарган йилларда “Хуррият” номи остида чиққан нашр 500-1000 нусха атрофида босилиб, сўнг моддий қийинчилик туфайли ёпилган. 1918 йилнинг ярмидан “Хуррият” шўро ҳукумати таъсири остида ўз номини “Меҳнаткашлар ўқи”га ўзгартирган. Унинг масъул муҳаррирлари Ифрат Хоним (Зоҳида Бурнашева) билан Шокир Мухторий бўлган.

Газетанинг таржима ва таҳрир ишларида Саидризо Ализода, Муҳаммаджон Юсуфий, Қори Маҳмуд, Қори Муҳаммадраҳим Тожи ва Садриддин Айний иштирок этган даврларда газетанинг номи “Меҳнаткашлар товуши”, сўнг “Камбағаллар товуши” этиб ўзгартирилди.

1922 йил октябрь ойига келиб, газета “Зарафшон” номи билан чиқа бошлайди. Уни қайта ташкил этганлардан бири Ғоли Юнус бўлди. Асли тошкентлик бўлган бу инсон газета учун ўзи билан бирга, бир неча пуд кўрғошин ҳарф, 150 пуд қоғоз ҳамда икки нафар ҳарф терувчи олиб келди. Номи ўзгарган газетанинг биринчи сони катта формат-

йилгача араб имлосида, 1938 йилга қадар лотин, сўнггра кирилл алифбосида босилади. 1928 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда чоп этилаётган “Қизил Ўзбекистон” газетаси таҳририяти Самарқандга кўчирилгач, “Зарафшон” фаолиятини вақтинча тўхтатади. 1930 йилнинг 7 ноябрдан эса кундалик газета сифатида яна нашр этила бошлайди, унга “Ленин йўли” номи берилади.

Газета турли даврларда кўплаб ёзувчи ва шоирларни



**Фармон ТОШЕВ,**  
“Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

қилинган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган 1991 йилдан эътиборан газета ўзининг аввалги – “Зарафшон” номи билан чоп этилиб келяпти.

коммунал хўжалик, ижтимоий ислохотлар ва саломатлик йўналишлари бўйича махсус мухбирлар фаолият кўрсатмоқда.

“Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари таҳририятининг интернетдаги www. Zarafshon.uz сайти 2007 йилдан буён ишлаб турибди. 2018 йил 2 февралдан эса мустақил сайт сифатида рўйхатдан ўтказилган. Веб-сайт ва телеграм каналларга хабар мазмунидаги материаллар, мулоҳазали ва ижтимоий - иқтисодий мавзулардаги мақолалар жойлаштирилди.

Жамоамиз ходимларининг самарали меҳнатлари муносиб тақдирланиб келинмоқда. Жумладан, газета бўлим мудири Сулаймон Ҳусайнов “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвонига сазовор бўлган. Газета муҳбири Тоғаймурод Шомуродов “Дўстлик” ордени, бош муҳаррир ўринбосари Ғолиб Ҳасанов, мухбир Маҳбуба Шаропова, масъул котиб Адҳам Ҳайитов “Шуҳрат” медали билан мукофотланган. Бирлашган таҳририятимиз жа-



да, 6 саҳифада, шундан бир саҳифаси рус тилида чоп этилади. Унинг нусхаси 1500 та эди. Ундаги билдирувда ушбу нашр “Самарқанд”, “Хуррият”, “Меҳнаткашлар товуши”нинг давомчиси эканлиги таъкидланади.

“Зарафшон” газетаси 1928

кашф этди. Жумладан, 1937-1941 ҳамда 1943 йилларда таҳририятда масъул котиб, муҳаррир ўринбосари, кейинчалик муҳаррир бўлиб ишлаган севимли ёзувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидовнинг дастлабки мақолалари, шеърлари, очерк, публицистик мақолалари шу нашрда эълон

Шуни айтиш керакки, 2008 йилда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди моддий кўмагида юз йиллик тарихга эга бўлган “Зарафшон” газетасининг энциклопедияси яратилди.

Бугунги кунда “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган таҳририятда 41 нафар ижодий ва техник ходим меҳнат қилмоқда. Таҳририятда сиёсат, иқтисодий ислохотлар ва қишлоқ хўжалиги, таълим ва маданият, ахборот ва спорт, хотин-қизлар ва ёшлар ҳаёти, хатлар ва ижтимоий тадқиқотлар, шаҳар ҳаёти ва

“

Газетхонлар билан таҳририят ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, саҳифалар орқали муштарийларнинг фикр-мулоҳазалари, жамият ҳаётига бўлган муносабатларини эркин ёритиш учун “Муштарий фикри”, “Виждоннинг бугунги сўроғи”, “Ким қилади-я, шугинани-я”, “Бир мавзуда икки фикр”, “Хат таҳрирсиз босилмоқда”, “Хатлардан сатрлар”, “Рўзғорини уйдалаётганлар”, “Ишонч” телефонига айтишларича...” каби рунклар ташкил этилган.

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билиб олишлари, қолаверса, давлат органлари очиқлигини таъминлаш учун савол-жавоб мазмунида “Сўраган эдингиз”, “Саволларингизга адвокат жавоб беради”, “Бошлиққа саволингиз борми?” сингари махсус рунклар остида ҳам материаллар мунтазам бериб борилмоқда.

моаси “Олтин қалам” миллий мукофоти учун ўтказилган саккизинчи халқаро танловда иккинчи ўринга муносиб кўрилган.

Қайси давр бўлмасин, “Зарафшон” газетаси мамлакат босма оммавий ахборот воситалари саҳифада ўз сўзига эга нашр сифатида чоп этилиб келинмоқда. Унинг шонли йўли, ибратли тарихи бор.

## газетаси 110 ёшда

# ҚУТЛУҒ ЁШИНИҒ МУБОРАК, “ЗАРАФШОН”!

Республикамизнинг отахон нашрларидан бири – “Зарафшон” газетасининг қутлуғ 110 ёши билан қизгин ва самимий муборакбод этамиз. Газета бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида гоят улуг ва шарафли йўлни босиб ўтганлиги барчамизга фахр-ифтихор туйғуларини бахш этади.

“Зарафшон” ва “Фарғона ҳақиқати” газеталари юз йилдан ортиқ вақт мобайнида елкама-елка, қадам-бақадам ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб, элу юртга зиё тарқатиб, халқимизнинг маъна-

вий-маърифий юксалишига, фарзандларимизни Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдек олижаноб ишга беқиёс ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳар икки газетанинг узоқ йиллардан буён ҳамкорликда фаолият кўрсатаётгани, Самарқанд ва Фарғонага уюштирилаётган ижодий сафарлар, тез-тез газеталарнинг қўшма сонлари тайёрланаётгани, ўзаро тажриба алмашувлар яхши самара бераётганидан мамнунмиз. Бу ҳамкорлик бундан буён ҳам изчил давом этишидан умидвормиз.

Қадрли ҳамкасбларимизни, матбаачиларни, газетанинг жамоатчи мухбирлари ва кўп минг сонли ўқувчиларини яна бир бор қувончли айём билан табриклаб, газета жамоасига ижодий баркамоллик тилаймиз.

Қаламингиз ҳаммиша ўткир, сўзингиз таъсирчан, ижодингиз баракали ва бардавом бўлсин!

**“Фарғона ҳақиқати”  
газетаси  
жамоаси.**



**Иброҳимжон СУЛТОНОВ,  
Марғилон “Хунармандлар  
маркази” раҳбари, Ўзбекистон  
Республикаси Олий Мажлиси  
Сенати аъзоси.**

## МЕН ҲАМ ГАЗЕТА ЎҚУВЧИСИМАН

“Зарафшон” газетаси мамлакатимиз босма нашрлари ичида ўз овозига эга, оммабоп газета. Унинг мазмун-мундарижаси, қамрови кенг, эстетик таъсирчанлик даражаси юқори. Ҳар бир сонидан бирор-бир долзарб масала ҳақидаги хабарни, ижтимоий-сиёсий воқелик таҳлил қилинган ёки қайсидир муаммони дадил кўтарган ва холисона баҳо берилган мақолани ўқийсиз, бугунги давр руҳини ҳис қиласиз.

Бу фикрларни дадил айтишимга сабаб, мен “Зарафшон”нинг минглаб ўқувчилари қаторидаман. Газетанинг босма нашрини қўлимга олиб ўқимаётган бўлсам-да, бугунги техник имкониятлар кенгайган даврда ижтимоий тармоқлар, жумладан,

“Газеталар шарҳи” орқали унинг деярли ҳар бир сони билан танишиб борапман.

Этиборли томони – газета ҳозиржавоблиги билан ажралиб туради. Ижодий ходимлар вилоятда юз бераётган янгиликларни, воқеа-ҳодисаларни, соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни тезкорлик билан ёритишмоқда.

Қадимий ва ҳаммиша навқирон Самарқандда кейинги йилларда жуда кўп давлатлар президентлари ва ҳукумат бошлиқлари иштирокида халқаро анжуманлар, олий даражадаги учрашувлар ўтказилмоқда. Бундай жараёнларни, энг аввало, “Зарафшон” газетасида ўқийман. Воқеликка муносабат очик, холис, аниқ факт-рақамларга асосланган

бўлади. Шу жиҳатлари билан ҳам отахон газетанинг нуфузи билан, ўқувчилари сони камайгани йўқ.

Техника ва технологиялар жуда тез ривожланиб, инсоннинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирадиган манбалар, ижтимоий тармоқлар жуда кўпайиб кетди. Лекин босма нашрларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни бошқа.

Ахборот майдонида рақобат кучайган бир пайтда “Зарафшон” газетаси даврийлигини йўқотмай, мунтазам равишда вилоят аҳолиси қўлига етиб бораётгани, албатта, қувонарли. Самарқандликлар ҳали кўп йиллар газета зиёсидан баҳраманд бўлишларига, ундан маънавий озуқа олишларига ишончим омил.

## АЗАЛДАН ЯҚИН ДЎСТ, ИЖОДИЙ ҲАМКОР БЎЛГАНМИЗ

**Марказий ва ҳар бир вилоятда чоп этилаётган газеталарнинг ўз тарихи, босиб ўтган йўлларида ёрқин хотиралари бўлади. Самарқандликларнинг “Зарафшон”и вилоятимизнинг “Коммуна”, ҳозирги “Фарғона ҳақиқати” газетаси билан қадам-бақадам ўз ўқувчиларига маънавият улашиб келаётган нашрдир.**

Ўтган даврлар давомида ҳар иккала газеталар таҳририяти жамоалари ўртасида ҳамкорлик бўлган. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Саидризо Ализода “Зарафшон”, Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Сўфизода “Фарғона ҳақиқати” газеталарига асос солиш баробарида, миллий матбуотимизда ўзига хос аъёнларни ҳам бошлаб беришган. Таҳририятлар ижодий ходимлари аъёнларга содиқ қолиб, Самарқанд ва Фарғона журналистика мактаблари шухратига шухрат, обрўсига обрў қўшиб келишмоқда.

Мен “Фарғона ҳақиқати” газетасида фаолият олиб борган

даврларда ҳам “Зарафшон” газетаси таҳририяти билан дўстона алоқалар мустаҳкам бўлди. Ижодий ҳамкорликлар йўлга қўйилди, қўшма сонлар тайёрланди. Икки нашр саҳифаларида Фарғона ва Самарқанд вилоятлари ҳаётига оид янгиликлар, ўзгаришлар, ютуқ-юксалишлар, ўз ўрнида ечими зарур муаммолар чоп этиб борилди. Журналистларнинг таҳририятларда малака ошириши, тажриба алмашиши йўлга қўйилган эдики, бундан ҳар иккала вилоят ижодкорларининг қалами чархланди, ҳам меҳр-оқибат ришталари қаттиқ боғланди.

Истиқлол йиллари оммавий ахборот воситаларига қатор имко-

ниятлар, эркинликлар даври бўлди. Маҳаллий нашрлар, хусусан, “Зарафшон” газетаси шаклан ва мазмунан ўзгарди, янги рукнлар ташкил этилди, вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб жараёнларини ёритишга алоҳида этибор қаратилди. Натижада нашрнинг адади ошди, ўқувчилари сони кўпайди. Газетанинг ҳозиржавоблигини таъминлашга эришилди. Таҳририят ходимларининг жамоатчилик билан ишлаш, маҳаллий кенгашлар фаолиятини ёритиш борасидаги тажрибаси кейинчалик республика миқёсида эътироф этила бошлади. Бу эса, амалга оширилаётган ислохотларнинг, бунёдкорлик ишларининг моҳиятини тўғри ва аниқ тарғиб қилинишини таъминлади. Энг муҳими, “Зарафшон” республика оммавий ахборот воситалари орасида ўз ўрнига эга бўлган газеталардан бири бўлиб қолди.

“Зарафшон” катта йўлда дадил



одимлаб бораётган етук нашрдир. Фарғона ва Самарқанд ижодкорлари ўртасидаги дўстлик ришталари эса давомлидир, албатта.

**Дониёр ЭРГАШЕВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

## ЭЪТИРОФ

# ЭЛДА ШУХРАТ ТОПГАН ТАДБИРКОР

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги арафасида Президент фармониغا кўра, "Шуҳрат" медали билан тақдирланган бир қатор тадбиркорларимиз орасида Бағдод туманидаги "Ғофиржон деҳқон" масъулияти чекланган жамияти директори Одилжон Хаджиев ҳам бор.**

Иш фаолиятини "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси "Фурқат универсал улгиржи савдо базаси"да бош ошпазликдан бошлаган Одилжон Хаджиев мустақиллик йилларида тадбиркорлик соҳасига дадил қадам қўйди. Бора-бора катта ҳаётий тажрибага эга бўлиш баробарида, ўнлаб тадбиркорларнинг устози-га айланди. "Умиджон лимонлари" агрофирмаси бошлиғи сифатида ҳам доврўғ таратди.

2020 йилга келиб, Одилжон Хаджиев Бағдод туманидаги "Ғофиржон деҳқон" масъулияти чекланган жамияти тасарруфида чорвачилик комплексини ишга туширди. Қишлоқ хўжалиғи соҳасидаги ишлари ҳам бароридан келди. Туркиядан 266 минг АҚШ долларилек замонавий чорвачилик ускуналари, Австрия давлатидан 214 бош зотли қорамоллар келтирилди. 2022 йилга келиб улар сони 1100 бошга етди ва ундан 2500 тонна сут олин-

ди ва мўмай даромадга эга бўлди.

Чорвачиликда озуқа ғамлаш энг муҳим тадбир ҳисобланади. Тадбиркор бунинг учун 347 гектар майдонга зарурий озуқа экинларини экди. Замонавий техникалар сотиб олди. Айни кунда бу ерда 63 та ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Йил якунига қадар уларнинг сони 100 нафарга етади.

Ҳали тадбиркорнинг режалари бисёр, олдинда катта лойиҳалар турибди. У чорвачилик комплексида кунга 10 тонна сутни қайта ишлаб, сариёғ ва пишлоқ ишлаб чиқариш ускунасини ишга тушириш арафасида.

Тадбиркор Одилжон Хаджиев саховат ва хайрия ишларида ҳам фаол, ташаббускор. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга, боқувчисини йўқотганларга ёрдамини аямайди. Яшаш шароитларини яхшилашга кўмаклашади.

Меҳнат инсонни тоблайти, белига ма-



дор бериб ақлини чарчлайди, дейдилар. Тадбиркор — элга мададкор деганлари ҳам бежиздан эмас. Халқ фаровонлиги йўлида ўзининг меҳнати, билими ва тажрибаси билан ўрнатилган бўлиб келаётган юксак мукофот соҳиби Одилжон ота

Хаджиев сингари тадбиркорлар бор экан, юртимиз иқтисодиёти равақ топиб, халқимиз турмуши янада тўқис бўлиб бораверади.

**Маҳиёра  
БОЙБОБОВА.**

## Тараққиёт ва фаровонлик сари

# "МЕНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛСАНГИЗ!"

## ЯНГИ ОЧИЛГАН КОРХОНАГА ИШ СЎРАБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАР МАМНУН

**Кун пешиндан оққан пайт корхона дарвозаси олдида йигирма ёш чамаси бир йигит билан суҳбатлашиб қолдик. У ҳарбий хизматни ўтаб қайтганини, яқинда иш бошлаган шу заводга ишчилар қабул қилинаётганини эшитиб келганини айтди. Корхона масъули, кейин маълум бўлишича, ишлаб чиқариш бўйича раҳбар ўринбосари Илҳомжон Қосимов йигитни иш жараёни билан таништириш мақсадида ичкарига бошлади. Орадан кўп ўтмай қайтиб чиққан талабгорнинг юзидаги мамнунликдан унинг ишга қабул қилинганини англадик.**

— Эрталаб ҳам бир ёш йигитни ишга олгандик, — дейди Илҳомжон. — Яратилган шароитлар, ойлик маош маъқул тушиб, эртага иш бошлашини айтиб кетди.

— Бўш иш ўринлари кўпми?

— Ҳозир бу ерда 54 нафар ишчи меҳнат қиляпти. 100 та иш ўрни яратилган. Атроф қишлоқлардан муқим иш ахтариб келаятган йигит-қизларнинг кети узилмаяпти.

Фурқат туманидаги "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Темирйўлчи" сановат зонасида "Мастона бўстони" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2 гектарли майдонда бунёд этилган ун заводи шу йил июнь ойида маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлади. "Фурқат дон кластер" тизимида бўлган корхонанинг лойиҳа қиймати 4,4 миллион АҚШ долларига тенг, у тадбиркорнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Ҳозирги кунда тўлиқ қувват билан икки сменада фаолият юритаётган корхонада бир кеча-кундуз давомида 200 тонна буғдой қайта ишланади ва 160 тонна сифатли ун ишлаб чиқарилади.

— Корхонамизда Туркия технологияси асосида олий, 1-, 2-, 3-навли ун ва кепак тайёрланмоқда. Маҳсулотлар ички бозорга чиқарилади, Афғонистонга экспорт қилинади. Ҳозирга қадар 6000 тонна ун истеъмолчиларга етказиб берилди.



"Фурқат дон кластери"нинг 3000 гектар ғаллазоридида етиштирилган 2023 йилги буғдой ҳосили шу ерда қайта ишланади, қисман Қозоғистондан хомашё келтирилади. Корхонанинг қулай транспорт-логистика ҳудудида жойлашганлиги яхши самара бермоқда. Хомашё ҳам, тайёр маҳсулот ҳам заводга тўғридан-тўғри темир йўл вагонларидида келтирилади ва чиқарилади.

— Янги ун заводининг ишга туширилиши фурқатлик ёшларга қулай, муқим иш жойлари ва шароитларини яратди, — дейди қа-

доқловчи Авазбек Юсупов. — Бу ерда туманимизнинг Чек шариф, Янгиқишлоқ, Ҳамробод, Навбахор, Қулбобо, Жангетмон, Томоша қишлоқларидан келган ёшлар ишлашади. Улар, жумладан мен ҳам, ойлик маошдан, ишлаш ва дам олиш учун яратиб берилган шароитлардан хурсандимиз.

Дарҳақиқат, ишчилар корхона ҳисобидан икки маҳал иссиқ овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланган. Тушлик дастурхонига шу ернинг ўзидаги новвойхонадан ҳовури пасаймаган обинонлар етказиб берилди.

байрамини катта тантана билан ўтказдик. Оилаларимиз учун ҳар биримизга бир қопдан ун, беш литрдан ёғ, гўшт ва бошқа маҳсулотлар тарқатилди. Бу ерда ишлашни кўплаб ёшлар орзу қилади. Шу боис, сафимиз кун сайин кенгайиб бормоқда, — дейди тозаловчи Барноҳон Халилова.

Бундай самимий фикрларни корхона қадоқловчиси Муҳиддин Шарипов, механик Неъматжон Эргашев, технолог ёрдамчиси Нурмуҳаммад Ҳасановдан ҳам эшитдик.

"Шаҳсан мен иккитагина ишчи ўрни яратган тадбиркорни бо-

шимга кўтаришга тайёрман" деган эдилар Президентимиз. Кейинги йилларда вилоятимиз тадбиркорлари томонидан шаҳар-туманлар, қишлоқ ва маҳаллаларимизда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари очилаётгани, аҳоли, айниқса, йигит-қизлар учун муқим иш жойлари яратилиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар тайёрланаётгани уларнинг жаҳон бозорига дадил кириб бораётганидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг асосий омилidir. "Мастона бўстони" масъулияти чекланган жамияти директори Баҳодиржон Акрамов раҳбарлигида ташкил этилиб, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётган ун заводи ҳам ана шундай истиқболли корхоналардан бирidir.

**Абдужалил БОБОЖОНОВ,  
"Фарғона ҳақиқати"  
махсус мухбири.**





Холислик нуқтаи назаридан

(Бошланиши 1-бетда).

Икки ўғилдан сўнг қизли бўлган оиланинг қувончи узоққа чўзилмади. Кунда, кунора аёлнинг қорнида қаттиқ санчик бўлар эди. Шунда турмуш ўртоғи уни шифохонага олиб келди. Ҳеч қандай текширувларсиз оғриқни босувчи уколлар ёрдамида Фотима Тўрабоевнинг ичини кемираётган дард вақтинча "бостирилди".

Аммо кунлар ўтиб, танадаги оғриқ зўрайиб кетди, бемор ўзини анча олдириб қўйди. Бу сафар улар УЗИ текширувига борди. Таҳлил натижасидан даҳшатга тушган шифокор вазиятга янаям аниқлик киритиш мақсадида беморни лапроскопик текширувдан ўтиши зарурлигини билдирди.

Аёлнинг қорнида организмга ёт "муштдеккина" нарса борлигини қайд этган мутахассис беморга зудлик билан ўзини операция қилган врачга учрашини, уни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш лозимлигини айтди.

– Авваллари ижтимоий тармоқларда бемор қорнида тиббиёт анжомини унутган шифокорлар ҳақида ўқисам, ишонмас эдим. Афсуски, бундай воқеа аёлим билан ҳам содир бўлди. Қўлоқларимга ишонмасдим. Операция қилган акушер-гинеколог Малика Азизовани хусусий шифохонадан топдим. Текширув хулосасига кўра, унинг фикри бизни янаям даҳшатга туширди. Неча йиллик "тажрибали" врачнинг гапига кўра, хотиним онкологик ка-

# АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГНИНГ ХАТОСИ туфайли бемор ўлимига бир баҳя қолди

саллик билан оғриётган эмиш. У шу ташхисига ишонишимизга астойдил ҳаракат қилди. Базўр уни биргаликда хирург кўрувига боришга кўндирдим, – дейди Одилжон Тўрабоев. – Опа аёлимни бир неча жарроҳга кўрсатмасин, ҳақиқат ўзгаришсиз қолди. Биргина йўли – шифокор айбини тан олиши, дардга даво чорасини топиши керак эди.

– Хавотир олманг, ўзи табиий йўл билан танадан чиқиб кетади, – дерди акушер-гинеколог Малика Азизова такрор ва такрор.

Бир ой мўъжиза кутиш билан бесамар кетди. Аёлнинг соғлиги аввалгидан-да ёмонлашди. "Халоскор" гинеколог шифокор ўзининг хусусий шифохонасида 10 кун даволагандек бўлди ҳам. Аммо қорин бўшлиғидаги "мушт" ичакка ўтиб, унинг йўлини тўсиб қўйди. Кейинчалик маълум бўлишича, зўриқиш туфайли ичакни тешиб ўзига йўл қидирган.

– Сабр косам тўлди. Аёлим кўз ўнгимда кундан-кун сўлиб бораётганидан қаттиқ азобландим. Фарғона шаҳридаги қайси жарроҳга бормай, улар масъулиятни бўйнига олишдан бош тортди. Қувасой шаҳридан

малакали врач топиб, операция қилишга кўндирдим. Ундан жараённи видеотасвирга олиб беришини илтимос қилдим, – дейди Одилжон Тўрабоев.

бошдан кечирди. Қани эди, дард шу билан шифо топган бўлса...

– Бошимдан ўтган дардга тўла кунларимни ҳеч кимга раво

қолдим-ку, – дейди куюниб Фотима Тўрабоева.

Воқеа юзасидан акушер-гинеколог Малика Азизова билан ҳам гаплашмоқчи, бу ҳолатга аниқлик киритмоқчи бўлдик. У бунга қатъий қаршилиқ билдириб, бўлиб ўтган воқеада ўзини оқлаш ёки қоралаш нияти йўқлигини айтди.

Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Мухиддин Шокировнинг таъкидлашича, Малика Азизова тажрибали акушер-гинеколог, меҳнат фаолияти давомида биринчи мартаба бундай хатога йўл қўйган. Унинг малакали ёрдами туфайли неча-неча оила фарзанд кувончидан баҳра олган.

Ҳозирда воқеа юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан тергов ишлари олиб борилмоқда ва биз у ҳақида хабар беришдан ўзга тафсилотларни ёза олмаймиз. Қонун йўл қўймайди, бунга.

Лекин саволлар... ўжар саволларимиз бор. Хўш, шифокор томонидан инсон ҳаёти учун ўта хавфли хатога йўл қўйилса-ю, шаҳар тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти бундан "беҳабар" қолса? Нега ўлимга олиб келиши мумкин бўлган хатога йўл қўйган акушер-гинекологга бирон идоравий чора кўрилмаган ва у ҳамон фаолиятини давом эттиряпти? Бу каби ўта масъулиятсизликка қайта йўл қўймаслигига ким кафолат беради?

Муаттар МАҲМУДОВА.



Қорин бўшлиғи қайта очилганда... ичакка 2 метр докатиқилиб қолгани аён бўлди. Жарроҳлар ҳам ҳайратдан донг қотдилар. Оз эмас, саккиз ой давомида Фотимахон уни бачадон, қорин, сўнг ичакда олиб юрди ва "дўзахнинг азоби"ни

кўрмайман. Ҳалигача батамом соғлом турмуш тарзига қайтмадим. Оғриқлар кўп бўлмаса-да, бутунлай йўқолмади. Шифокорлар ичимдан олган докалар ўрнида сув борлиги, у йиллар давомида сўрилиши мумкинлигини айтишди. Мухими, тирик

## Ҳиндистон ўз номини ўзгартириши мумкин

Бхарат — ҳинд тилидаги Ҳиндистоннинг расмий номи. Маҳаллий сиёсатчилар мустамлакачилик қўллиги рамзи сифатида Ҳиндистон номидан воз кечишга қақирмоқда. Ҳукумат бу бўйича тегишли қарорни парламентнинг навбатдан ташқари мажлисига киритиши мумкин.

Сўнгги хабарларга кўра, Нарендра Моди бошчилигидаги ҳукумат 18-22 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган парламентнинг навбатдан ташқари сессиясида Ҳиндистоннинг расмий номини Бхаратга ўзгартириш тўғрисидаги резолюцияни киритиши мумкин. Конгресс раҳбари Жаирам Рамеш, шунингдек, Ҳиндистон президентидан G20 расмий кечки овқат таклифномалари одатдагидек "Ҳиндистон Президенти" ўрнига "Бхарат Президенти" номи билан юборилганини тасдиқлади.

Мамлакатнинг расмий номини ўзгартириш масаласи биринчи мартаба кўтарилган йўқ. Ушбу масала 2016 ва 2020 йилларда ҳам Ҳиндистон Олий суди томонидан кўриб чиқилганди.

М.ТУРДАЛИЕВА,  
ЎЗА.

### FARG'ONA POLITEKNIKA INSTITUTI QUYIDAGI BO'SH LAVOZIMLARNI EGALLASH UCHUN TANLOV E'OLON QILADI:

#### I. KAFEDRA MUDIRI LAVOZIMIGA:

1. Yengil sanoat buyumlari texnologiyasi kafedrasiga – 1 o'rin.
2. Fizika kafedrasiga. – 1 o'rin.
3. Intellektual muhandislik tizimlari kafedrasiga. – 1 o'rin.

#### II. KAFEDRA KATTA O'QITUVCHISI LAVOZIMIGA:

1. Elektr energetikasi kafedrasiga – 1 o'rin.

#### III. KAFEDRA ASSISTENTI (O'QITUVCHISI) LAVOZIMIGA:

1. O'zbek tili va tillarni o'rgatish kafedrasiga – 1 o'rin.
2. Chizma geometriya va muhandislik grafikasi kafedrasiga – 1 o'rin.
3. Yer usti transport tizimlari va ularning ekspluatatsiyasi kafedrasiga – 1 o'rin.
4. Yengil sanoat buyumlari texnologiyasi kafedrasiga – 1 o'rin.

Tanlovga hujjatlar qabul qilish muddati e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy.

Murojaat qilish uchun manzilgohimiz: Farg'ona shahar, Farg'ona ko'chasi, 86-uy.

Telefon: 91 665-72-05.

Kengash kotibi.

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Оқ йўл кўчаси, 79-А ўйда жойлашган "FARGANA ALEKSEY TREYDING" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Мустақиллик кўчасида жойлашган "RASULJON LAZZAT SOMSAXONASI" ОК номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

### Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti Farg'ona filiali quyidagi bo'sh lavozimlarni egallash uchun TANLOV E'OLON QILADI:

#### I. Kafedra mudiri lavozimiga:

1. Axborot texnologiyalari kafedrasiga – 1 o'rin.
2. Axborot-ta'lim texnologiyalari kafedrasiga – 1 o'rin.
3. Axborot xavfsizligi kafedrasiga – 1 o'rin.
4. Tabiiy fanlar kafedrasiga – 1 o'rin.

#### II. Dotsent lavozimiga:

1. Axborot texnologiyalari kafedrasiga – 1 o'rin.

#### III. Katta o'qituvchi lavozimiga:

1. Axborot texnologiyalari kafedrasiga – 1 o'rin.
2. Dasturiy injiniring kafedrasiga – 1 o'rin.
3. Kompyuter tizimlari kafedrasiga – 1 o'rin.
4. Tabiiy fanlar kafedrasiga – 1 o'rin.
5. Telekommunikatsiya injiniringi kafedrasiga – 1 o'rin.

#### IV. Assistent lavozimiga:

1. Axborot-ta'lim texnologiyalari kafedrasiga – 1 o'rin.
2. Dasturiy injiniring kafedrasiga – 1 o'rin.
3. Tabiiy fanlar kafedrasiga – 1 o'rin.
4. Telekommunikatsiya injiniringi kafedrasiga – 1 o'rin.
5. Xorijiy tillar kafedrasiga – 1 o'rin.

Tanlovga ariza va hujjatlar qabul qilish muddati e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy.

Manzil: Farg'ona shahar, Mustaqillik ko'chasi, 185-uy.

Telefon: 73 226-82-09.

Telegram: <https://t.me/kengashkotibi>

# ФАРҒОНАЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР ХИТОЙГА БОРАДИ

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими Корея Республикаси, Япония, Ҳиндистон, Туркия, Россия, Хитой, Саудия Арабистони каби давлатлар журналистлар ассоциациялари билан тўғридан-тўғри ижодий ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган.**

Хитойнинг Шаньдун провинцияси журналистлар ассоциациясининг оммавий ахборот воситалари вакиллари делегацияси Фарғонага ташриф буюрган, ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашган ва бу ерда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида туркум видеорепортаж, мақолалар тайёрлаган эдилар. Кейинчалик фарғоналик журналистлар ҳам Хитойнинг ялпи ички маҳсулоти 1,4 триллион АҚШ долларига тенг бўлган Шаньдун провинциясида бўлдилар.


Ижодий ҳамкорлик тобора такомиллашиб бормоқда. Шу кунларда Ўзбекистонга ташриф буюрган Шаньдун провинцияси журналистлар ассоциацияси, Шаньдун телерадиостанцияси билан Ўзбекистон Журналистлар уюш-

маси Фарғона вилоят бўлими ҳамда Марғилондаги "Рухсор" телерадиокомпанияси ўртасида ижодий ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Унга кўра, Шаньдун ва "Рухсор" ТРКлари ҳар ойда энг долзарб мавзу ва янгиликлар тўғрисидаги видеоахборотлар алмашадилар. Икки телевидение ўзаро келишилган мавзуларда видеофильмлар яратадилар ва хитой-ўзбек тилларида намойиш қиладилар.

Келаси йилдан бошлаб Шаньдун журналистлар ассоциацияси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими 2 нафардан журналистларни алмашлаб, икки мамлакатда фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Шартнома тантанали равишда Хитой ва Ўзбекистон ОАВлари вакиллари иштирокида имзоланди. Шундай қилиб, энди Фарғонанинг "Рухсор" ТРК кўрсатувлари Хитойнинг Шаньдун телевидениеси орқали ҳам намойиш қилинади, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими эса лойиҳанинг ташаббускори сифатида ижодий муносабатларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлайди.

**Ўз мухбиримиз.**



## Турмуш чорраҳасида

### "ЛЕНИН" КИМГА ХУШОМАД ҚИЛГАН?

**Адашмасам, 1968 ёки 1969 йил эди. Ўша пайтларда 1 май (бутундунё меҳнаткашларининг бирдамлик куни) ҳамда 7 ноябрь (октябрь революцияси куни)да Москванинг Қизил майдонидан тортиб, ҳар қайси республикалар пойтахтларида, вилоят марказларида, ҳатто Марғилон, Қўқон шаҳарларида ҳам парадлар, меҳнаткашларнинг тантанали намойишлари бўлиб ўтарди.**

Фарғона шаҳрида, ҳозирги вилоят ҳокимлиги биноси олдида парад қабул қилинадиган минбар ўрнатилган эди. Бу жойдан вилоят раҳбарлари тантанали намойишларни кузатишарди. Ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, корхона, ташкилотлар ишчи-

лари, ўқув юртлари талабалари қўлларига "дохийлар", КПСС марказий қўмитаси сиёсий бюроси аъзолари портретлари, собиқ иттифок байроғини кўтариб марказий кўчалар бўйлаб ўтарди.

Ўша куни мен ҳам минглаб фарғоналиклар қатори парадни кузатардим. Бир машина бортига "бронетанк" ўрнатилибди. Унинг устида пролетариат "дохийси" "Ленин" (бу образни Ўзбекистон халқ артисти Зуннун Мадалиев яратган) фоз туриб, ўнг қўлини олға кўтарганча келарди.

Машина вилоят раҳбарлари рўпарасига келганда, "Ленин" дабдурустдан қўлини кўксига қўйиб, раҳбарларга икки букилиб қайта-қайта таъзим қила бошлади, машина минбар ўрнатилган жойдан ўтгач, "Ленин" яна қаддини фоз тутиб, қўлни олдинга чўзди...

### РАҲБАРГА ЁҚИШНИНГ ТУРИ КЎП

**Оёқ-қўли чаққон, сермулозамат ва киришимли Неъматжон деган йигит ишга қабул қилинди. У хушомадни жуда қойиллатадиган, айниқса, ўзидан катта лавозимдагиларга ҳам ишга парвона эди. Сермахсул бўлмаса-да, бирор ишни қойиллатиб қўймаса-да, раҳбарларни назаридан қочирмас эди.**

Кўпинча бошлиқларни машинага ўтказиб, тушликка олиб кетар, баъзида соя-салқин, сўлим гўшаларда улар билан бирга дам олганини эшитиб қолардик. Ўн-ўн беш йиллаб ишлаган ходимлар ҳам

кечагина ишга келиб, раҳбарлар кўнглига бунчалик тез йўл топган йигитнинг удда-буронлигидан ҳайрон эдик. Бир куни ўша Неъматжон бизни чойхонага, ошхўрликка таклиф қилиб қолди.

Тўкин дастурхон тузалишига сабаб Неъматжон ўғилли бўлган экан. Сўхбат қизиган, кетма-кет кутловлар бўлиб турган пайтда ҳамкасбимиз ўрнидан туриб, сўри тўрида савлат тўкиб ўтирган Абдулла Раҳимовга юзланди:

– Ҳаммамиз учун ҳурматли Абдулла ака, – деди у такаллуф билан. – Хабарингиз бор, кечагина хонадонимда тўнгич ўғил

туғилди. Анчадан буён ният қилиб юрган эдим. Ўғил кўрсам исмини сизнинг ҳурматингиз шарафига Абдуллажон қўяман, деб. Мана ниятимга етдим. Рухсат берсангиз, бош ўғлимни сизни исмингиз билан атасам...

Бошлиқ мамнун жилмайди. Ҳамма қарсак чалди.

Ҳаёт шунақа экан-да. Кеча бор одам, бугун йўқ. Бу воқеадан икки-уч йил ўтди, чоғи, Абдулла ака вафот этиб қолди. Бизга янги бошлиқ этиб Давлатбой Қўлдошевич тайинланди. Неъматжоннинг хотини ҳам янги бошлиқ келишини кутиб тургандай, яна ўғил туғди.

Неъматжон оғзи қулоғида, хонама-хона юриб, яна ўша чойхонага "фарзанд ювди"га таклиф қилди. Аввалгидай дастурхонда ҳамма нарса бор, тўкин. Ҳамма хуш-хандон, гап - гапга қовушиб кетган. Ошнинг хушбўй хиди иштаҳани қитиқлаб турган чоғда, сўз иккинчи ўғилли отага берилди.

Неъматжон қадаҳни қўлга олиб, ўрнидан турди. Сўри тўрида креслода ўтирган Давлатбой Қўлдошевичга мурожаат қилди:

– Ҳаммамиз учун ҳурматли Давлатбой Қўлдошевич, хабарингиз бор, кеча сизга суюнчиладим, хонадонимда ўғил фарзанд туғилди. Шу ўғилчам исмини сизнинг шарафингизга Давлатбой қўйсам, деб ният қилгандим. Шунга...

Ҳамма қарсак чалиб юборди. Давлатбой Қўлдошевичнинг юзида мамнунлик кайфиятини ҳис қилдик. Бир-икки қочиримли гап қилди. Роса кулишдик. Сўнг розилик берди, қўлларни дуога очдик...

Ҳаёт шунақа экан-да, янги бошлиқ бир-икки йилдан кейин бошқа ишга ўтиб кетди.

Мўъжазгина корхонамизга Пётр Иванович бошлиқ бўлиб келди. Уддабурон Неъматжон ўша-ўша, янги бошлиқ атрофида пилдираб юрибди. Эшитишимизча, хотини ҳомиладор эмиш.

**Малик Бой МУҲАММАД.**



### Чегарачилар туҳфаси

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари Сўх туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабига ташриф буюрдилар.**

Улар педагоглар ва ўқувчилар иштирок этган учрашувда ҳарбийлар ҳаёти, яратилган шaroитлар, Ватан посбонларининг чегараларимиз дахлсизлигини сақлашдаги масъулиятли бурчлари ҳақида гапириб беришди.

Тадбирда қўшин минтақавий вакиллари мактаб ўқувчилари учун спорт машғулотлари жиҳозларини тақдим этишди. Шунингдек, чегарачилар махсус ўргатилган итлар ёрдамида кўргазмали чиқишларни намойиш қилдилар.

**Раимз АБДУЛЛАЕВ, ҳарбий хизматчи.**

<p>МУАССИС: «Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalari tahririyati</p>	<p>2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p>	<p>Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-уй.</p>
<p>Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ.</p>	<p>Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 2003 нусхада чоп этилди. Буюртма № 576. Босмахона манзили: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Тўрқистон кўчаси, 236-«б» уй.</p>	<p>Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24. Саҳифаловчи: Илҳомжон Жуманов. Босишга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.00.</p>

